

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1635-ҳадис

4343 /1635 - عَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعَثَهُ إِلَى الْيَمَنِ، فَسَأَلَهُ
عَنْ أَشْرَبِيَّةٍ تُصْنَعُ بِهَا، فَقَالَ: وَمَا هِيَ؟ قَالَ: الْبِتْعُ وَالْمِزْرُ، فَقَالَ: كُلُّ مُسْكِرٍ حَرَامٌ.

1635.4343. Саъид ибн Абу Бурдадан ривоят қилинади:

«Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳу айтдики, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни Яманга юборибдилар. Кейин ундан у ерда тайёрланадиган шароблар ҳақида сўраб, «Улар нималар?» дебдилар. У: «Битъ ва мизр», дебди. - Абу Бурдага: «Битъ нима?» дедим. У: «Битъ асалнинг набизи, мизр эса арпанинг набизи», деди. - Шунда: «Ҳар қандай маст қилувчи нарса ҳаромдир», дебдилар».

Манба: hadis.islom.uz

